
Ўзбекистон туманида қурилиш материаллари кластери ташкил этилади

“Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номуносиблигини қисқартириш мақсадида қабул қилинган қарор билан, **республиканинг 8 та туманида, шу жумладан вилоятимизнинг Ўзбекистон** туманида хомашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этилиши белгиланди.

Қарорнинг тўла матни билан танишинг: <https://lex.uz/pdfs/5871090>

2022-02-23 23:41:26